



КИБЕРБУЛЛИНГНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ

Каримов Элмурод Салимжонович

Андижон давлат педагогика институти эркин изланувчиси

Тел: 90 545-75-75 e-mail: edik75@inbox.ru

Аннотация: ушбу мақолада кибербуллингнинг келиб чиқиш сабаблари ва бу омилларнинг инсониятга соладиган таъдиди, инсон рухий оламига таъсири масалалари атрофлича кўриб чиқилди. Кибербуллингнинг пайдо бўлиши билан юзага келадиган жамиятдаги муаммоларнинг олдини олиш ҳақида таклифлар билдирилди.

Калит сўзлар: ахборот хавфсизлиги, виртуал таъдидлар, кибербуллинг, вертуалолам, глобаллашув жараёни, веб саҳифа, портал.

Аннотация: в данной статье подробно рассмотрены причины кибербуллинга, угроза, которую эти факторы представляют для человечества, и влияние на психику человека. Внесены предложения по предотвращению проблем в обществе, возникающих с появлением кибербуллинга.

Ключевые слова: информационная безопасность, виртуальные угрозы, киберзапугивание, виртуальная реальность, процесс глобализации, веб-страница, портал.

Abstract: in this article, the causes of cyberbullying, the threat these factors pose to humanity, and the impact on the human psyche have been thoroughly reviewed. Proposals were made to prevent problems in society that arise with the emergence of cyberbullying.

Key words: information security, virtual threats, cyberbullying, virtual reality, globalization process, web page, portal.

Таъкидлаш жоизки, кибербуллинг қурбони бўлган шахслар кўпинча психологик, педагогик, жисмоний (тиббий) ва ижтимоий соҳаларда турли муаммоларга дуч келадилар. Кибербуллинг қурбони бўлганидан сўнг содир бўладиган жараён инсоннинг бутун организми нормал тарзда ишлашига тўсқинлик



килади. Ушбу тўсқинликлар инсон шахсининг ўзгаришига олиб келади ва натижада уни келажакда ақлан ва жисмонан ривожланиши имкониятлари чекланади.

Биринчи навбатда, кибербуллинг инсоннинг ижтимоий ҳаётига таъсирини кўриб чиқишимиз лозим. Чунки ушбу таъсирнинг натижаси инсоннинг хатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Хусусан, бундай ўзгаришларга яширинлик, оила-аъзолари билан ўзаро мулоқотга бормаслик ва қочиш, ишлайдиган (ёки ўқийдиган) жойига бормаслик, дўстлар даврасидан чиқиб кетиши, коммуникатив, яъни мулоқотчанлик қобилиятининг йўқолиши, мослашувчанлик ва бошқа қобилиятларнинг йўқолиши киради.

Педагогик томонидан кибербуллинг инсоннинг иш ёки ўқишдаги ўзлаштириш даражаси, шижоатлилиги, меҳнат сифатининг тушиб кетиши, ҳамда доимий тарзда ишга ёки ўқишга бормаслик ва қочишлик каби ҳаракатларда кузатилади.

Кибербуллингнинг психологик оқибатлари жиддий бўлиб, улар инсонда ўз-ўзига салбий баҳо бериш, ўзига бўлган ишончнинг йўқолиши, руҳан ривожланишнинг бузилиши, психологик-ҳиссий беқарорлик, доимий хавотир ва кўрқув ҳиссининг юзага келиши, суицидал фикрларни юзага келтириши мумкин.

Кибербуллингни физиологик жиҳатдан ўрганган олимларнинг фикрича, у инсон организмга ўз таъсирини тўлиқ кўрсатади. Хусусан, кибербуллинг натижасида пайдо бўлган депрессия ва стресс ҳолатлари инсондаги иммунитетнинг тушиб кетишига, доимий равишда бош ва юракдаги оғриқлардан шикоятларга, кўнгил айнишига, тез чарчашга, кўрқинчли тушлар кўришга, уйқусизликка, хотира ва диққатнинг ёмонлашишига, нутқда дефектларнинг юзага келишига ва иштаҳанинг йўқолишига олиб келади. Баъзи ҳолларда кибербуллинг натижасида қаттиқ стресс ҳолатига учраган инсонларда (кўпинча ўсмирларда ва ёшларда) психологик ривожланишнинг кечикиши ёки тўхташи кузатилади, натижада, бундай ҳолатга тушган одам психологик жароҳатдан қутила олмайди. Ушбу ҳолатлардан сўнг инсонлар турли хил касалликларга учраши кузатилган, хусусан, юрак хуружи, ошқозон ости беши ва невроз симптомлари кузатилиши мумкин, шунингдек,



сурункали касалликларни ҳам орттириб олиши мумкин (масалан: астма, қандли диабет ва х.к.)⁷.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, кибербуллинг ҳодисасининг келиб чиқиш сабаблари тадқиқотчилар томонидан қуйидагича талқин этилган: 1. Устунликка интилиш. А. Адлернинг таъкидлашича, инсон ҳаётининг фундаментал қонуни - имкониятлардан юқори даражада фойда олиш демакдир. Ушбу ҳиссиёт инсон дунёга келган вақтидан бошлаб пайдо бўлади ва инсон ҳеч қачон бу ҳиссиётдан қутулмайди, чунки интилишнинг ўзи бу ҳаёт, яъни, яшамоқ демакдир. Инсон улғайиб, вақт ўтган сари интилиш унинг ҳаётига мазмун қўша бошлайди.

2. Нотўлиқлик комплекси инсоннинг психологик ва эмоционал ҳиссиётларининг жамланмаси бўлиб, инсон атроф-муҳитни ўзидан устунлигида ва у бошқаларга тенг бўла олмаслиги туйғусида намоён бўлади. Нотўлиқлик комплекси турли хил сабабларга кўра пайдо бўлиши мумкин, масалан, дискриминация (ирқий камситиш), психологик жароҳатлар, шахсий хатолар, омадсизликлар ва бошқалар. Нотўлиқлик комплексини биринчи бўлиб А. Адлер тадқиқ этиб, ўрганган ва психология фанига киритган. Унинг фикрича, нотўлиқлик комплекси инсон ўзининг камчиликлари ва нуқсонларини тўлдиришга ҳаракат қилади, ўзини нотўлиқлигини енгиб ўтишга интилади ва натижада барча чораларни ўзи ёлғиз қўллаб кўради. Ўз ўрнида, виртуал олам бундай турдаги инсонларга энг қулай макон ҳисобланади ва улар ўз нотўлиқлигини тўлдириш мақсадида (ўзини виртуал МЕНини яратади) кибербуллинг иштирокчисига айланиб, ушбу ҳодисани бошқаларга нисбатан қўллайди.

3. Кўра олмаслик ёки ҳасад. Ҳасад – рақобатчиликнинг бир кўриниши бўлиб, у фақат ёпиқ тарзда намоён бўлади. Бу ҳолатда инсон ғалаба қозонишга ҳаракат қилади, лекин ўз ички фикрларини ташқарига чиқармасдан рақобатлашади. Кибербуллингни шахслар бир-бирларига нисбатан кўпинча ҳасад туфайли қўллайдилар.

⁷ Бочавер А.А. Кибербуллинг: травля в пространстве современных технологий / А.А. Бочавер, К.Д. Хломов // Психология. Журнал Высшей школы экономики. – 2014. – Т. 11, №3. – С. 177–191.



4. Қасос. Инсонлар адолатсизликка дуч келганларидан сўнг, қасос олиш мақсадида турли хатти-ҳаракатларни амалга оширадилар ва шу ўринда кибербуллинг ҳам бундан истисно эмас.

5. Ҳўйин-кулгу. Кўп ҳолатларда кибербуллинг оддий ҳазиллар ёрдамида келиб чиқади. Ҳазиллар турли хил бўлади, масалан ҳеч кимга зиён етказмайдиган ва ҳамманинг кайфиятини кўтарадиган ҳазиллар ҳамда оғир кўринишдаги, инсонлар психологик ҳолатига ва турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатадиган ҳазиллар.

6. Конформизм. Конформизм – ҳақиқий ҳаётда мавжуд бўлган ёки тассавурдаги гуруҳларнинг таъсири натижасида инсоннинг хулқ-атвори ва дунёқарашининг ўзгаришидир. Конформизм инсонга фойдали ва кўп ҳолларда, салбий таъсир этиши мумкин. Ушбу таъсир унга таъсир этаётган гуруҳларга боғлиқдир. Масалан, конформизм таъсирининг фойдали томонларини оладиган бўлсак, бу асосан инсоннинг бошқа инсонлар билан ўзаро мулоқот қилганидан мулоқот компетентлигининг ривожланиши ва натижада, янги дўстларнинг пайдо бўлишга олиб келади. Аммо салбий томонларини кўрадиган бўлсак, олимларнинг айтишича, конформизм натижасида инсон ўз атрофдагиларга боғланиб қолиб, ўзи мустақил қарор қилиш хусусиятидан ажралиб қолади.

Олимлар томонидан доимий ҳаётимиздаги конформизмнинг икки тури ўрганилган, булар - бўйин эгиш ва рози бўлиш. Одатда бу икки турдаги конформизм ёшларга ўз таъсирини кўрсатади, масалан, ҳар бир мактабда ўрнатилган қонун-қоидалар бор ва ушбу қонун-қоидаларга барча ўқувчи ёшлар бирваракай бўйсунди. Лекин баъзи ёшлар ушбу ўрнатилган тартибга бўйсунганини хоҳламайдилар ва бошқаларнинг бўйсунганини кўриб, мажбуран бўйсундилар ва рози бўладилар, натижада эса, бўйсунгани учун ўз синфдошларини айблай бошлайдилар ва қасос олишилини бундай турдаги ёшлар бир гуруҳда бир нечта бўлишлари мумкин ва улар ушбу ҳолатлардан кейин бирлашиб, бошқаларга нисбатан ўз фикрларини ўзгартириб, алоҳида бир гуруҳ ичида “норозилар” гуруҳи бўлиб қоладилар.



Google
Scholar



Фойдаланилган адабиётлар

1. Бочавер А.А. Кибербуллинг: травля в пространстве современных технологий / А.А. Бочавер, К.Д. Хломов // Психология. Журнал Высшей школы экономики. – 2014. – Т. 11, №3. – С. 177–191.
2. С. Черкасенко // Личность, семья и общество: вопросы педагогики и психологии. – 2016. – № 6. – С. 52-54.
3. Belsey В. Cyberbullying: An Emerging Threat to the «Always On» Generation [http://www.cyberbullying.ca/pdf/Cyberbullying Article by Bill Belsey. pdf](http://www.cyberbullying.ca/pdf/Cyberbullying%20Article%20by%20Bill%20Belsey.pdf).